O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Миллий тикланиш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan


Haftalik gazeta

2006-yil, 20-sentabr, chorshanba, 38 (368)-son.

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi



Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан





Қарши шаҳри ўзининг 2700 йиллик юбилейи арафасида тобора чирой очиб бормоқда. Замонавий бинолар, ўйингоҳлар дунё андозалари талабларига жавоб берадиган йўллар қурилиб, фойдаланишга топшириляпти. Бундан 5-6 йил аввал шаҳарда бўлган киши ҳозир бу ерга келса танимаслиги мумкин.



Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Марказий кенгашида партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари раислари иштирокида йиғилиш ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Бухоро вилояти Шофиркон туман кенгашида партиянинг «Хотин-қизлар қаноти» ташаббуси билан «Мустақиллик саодати — аёл тақдирида» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

Партиянинг Жиззах вилоят кенгаши ташаббускорлигида «Миллий тикланишнинг яна бир йўли» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Наманган вилояти кенгашида партиянинг «Хотин-қизлар қаноти» ташаббуси билан «Аёл билан мунаввар ҳаёт» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

Партиянинг Самарқанд туман кенгаши Болалар ва ўсмирлар ижодий уйида «Миллий тикланиш ва ёшлар» мавзуида тадбир ўтказди.

* * *

ЎзМТДП Сурхондарё вилояти Ангор туман кенгаши ташаббуси билан «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғинида «Мустақиллик ва миллийлик» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

* * *

Партиянинг Хоразм вилояти Хонқа туман кенгаши ташаббуси билан «Миллий тикланиш — миллат келажаги» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Самарқанд вилояти Нуробод туман кенгаши ташаббуси билан «Муруввват миллат танламас» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Сурхондарё вилояти Денов туман кенгаши ташаббускорлигида «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғинида «Маҳаллам тинч — олам тинч» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши матбуот хизмати.

• Қарор ва ижро

УЧ БУЮК БОЙЛИК

Халқ бор экан, Ватан бор экан, Давлат бор экан, бу уч буюк бойлик бирлигига эришиш, шу бирликни асраб-авайлаш, қадрига етиш – шу Халқ вакили, шу Ватан соҳиби, шу Давлат фуқароси бўлган ҳар бир кишининг муқаддас бурчига айланиши керак.

Шу йил 25 августда Президентимизнинг "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг 16 сентябрь куни бўлиб ўтган йиғилишида ана шу Қарор ижросини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Моҳиятини ўйлаб кўрсангиз, бу — ниҳоятда муҳим ҳужжат. Чунки, Қарорда тўғри қайд этилганидек, Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш, эҳтимол, ҳеч қачон бугунгидек долзарб масалага айланмагандир.

Халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз Мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси бу соҳадаги ишларни, жумладан, Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши фаолияти ва таркибий тузилишини қайта кўриб чиқишни тақозо этгани учун шу Қарор қабул қилинди.

Қарор бундан буён тамоман янгича куч-ғайрат, аниқ мўлжал асосида ишлашни талаб этади. Ҳавойи гаплар, умумий даъватлар, баландпарвоз ҳамду саноолар даври ўтди. Биз ахборотлар кураши асрида яшаяпмиз. Тарғиботчи шуни унутмаслиги керакки, бугун тингловчи содда эмас, унинг бошқа информацион манбалардан маълумотлар олиш ва уларни таҳлил этиш, ҳаётни бевосита кузатиш бўйича жуда катта имкони бор. Демак, бугун маънавий-маърифий, керак бўлса, ғоявий-мафкуравий тарғибот-ташвиқот ишида ўта ҳушёрлик, чуқур таҳлил салоҳияти, энг муҳими, катта ахборот базасига эга бўлиш ва уни таъсирчан, содда, ишонарли тарзда фуқаро онги ва қалбига етказиш масъулияти талаб қилинади.

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши бундан буён ана шу юксак талаблар асосида фаолият олиб боради. Акс ҳолда, барча саъй-ҳаракатларимиз зое кетади.

Хўш, Қарорда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш учун бу тизимга қандай жиддий ўзгартиришлар киритилди?

Биринчиси — Республика Маънавият ва маърифат Кенгашига Раислик қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири зиммасига юклатилди. Ўн бир кишидан иборат Кенгаш Бошқаруви ташкил этилди.

Иккинчиси — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси штати жорий этилди. Республикамизнинг барча минтақа ва ҳудудларида биринчи раҳбар минтақавий-ҳудудий Маънавият ва маърифат Кенгашининг раиси ҳисобланади. Ёрдамчилар амалда ана шу минтақавий Маънавият ва маърифат Кенгаши раисининг ўринбосари бўлади ва жойлардаги маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш

(Давоми. 2-бетда).

• Истиқлол қадри

МИЛЛИЙ ТОТУВЛИК

халқимизга хос фазилат

Миллий тотувлик. Оддийгина туюлган бу сўз замирида олам-олам маъно бор. Айниқса, бир неча минг йиллик тарихга эга халқимиз учун бу калом нақадар тотли эканлигини ҳар биримиз чин юракдан ҳис этамиз. Негаки, азалдан ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман, қорақалпоқ халқлари бир-бири билан аҳил бўлиб яшашган. Урф-одатлари, дунёқараши бир, лекин турли тилда гаплашувчи миллатлар вакилларидир. Уларнинг бозори, мозори бир. Тўғриси, собиқ шўро даврида бу қардош халқлар орасига нифоқ солмоқчи бўлганлар ҳам бўлди. Бироқ ўтмишдан маънавияти юксак бўлган халқимиз ўзининг минг йиллик қондошлигига содиқ қолди.

Биз аслида бошқа нарса тўғрисида фикр юритмоқчимиз. Яъни бировни паст, бировни баланд кўрмаган инсонпарвар миллатимиз маънавиятининг юксаклиги ҳақида. Очиқ айтиш керак, оддий оилада тўрт кишининг бошини қовуштириш оғир масала. Лекин бугун мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат нафақат тинч-тотув истиқомат қилаётир, балки шу юрт равнақи учун фидокорона меҳнат қилмоқда. Улар халқимиз билан киришиб кетган. Ўз турмуш тарзида ҳам халқимизнинг буюк қадриятларини жорий этишган. Эсимда бор, бундан бир неча йил бурун чет эл радиоларидан бирида муқаддам Тошкентда яшаган, кейинчалик ўз юртига кўчиб кетган бир аёл билан суҳбат уюштирилган эди. Бошловчининг: «Сиз Ўзбекистондан нима олдингиз?» — тарзидаги саволига, ўша аёл бироз тин олиб: «Мен у ердан кечаси қизимни кўчага чиқариб қўймайдиган, қариганда ота-онасини қаровсиз қолдирмайдиган, қувонч у шодликда бирга бўлишдек бебаҳо қадриятни, одатни олиб келдим», — деган эди.

Дарҳақиқат, шарқона фазилатлар, ўзбекона тарбия, муомала барчаси маънавияти юксак халқнинг уч минг йиллик тарихидан сайқалланиб келаётган қадриятдир. Гоҳида баъзи «демократия шунқор»ларининг оғзини тўлдириб, «Ўзбекистонда демократия йўқ», дея қичқиришларини эшитиб, кўнглинг хира тортади. Ахир, такрор бўлсаям айтаман, 130 миллат вакиллари эмин-эркин, тенг яшаётир. Улар қабул қилган ўша демократия мезонлари бундан минг йиллар бурун халқимиз ҳаётида амал қилинган эди. Адабиётимизда «Тўқсон икки бовли ўзбак эли» деган жумлага кўп тўқнаш келгансиз. Адабиётчиларимиз хафа бўлишмаса, мен уни сал бошқача ўзгартирган бўлардим: «Юз ўттиз бовли Ўзбекистон эли».

Шундай жипс, бағрикенг халққа демократия тиқиштирмоқчи бўлишгани, тўғриси, уммонга сув қўйган билан баробардир. Бугун юртимизда қурилиб, ишга туширилаётган лицей, коллежларда замонавий билимларни мукаммал эгалаётган ёшларимизни, айниқса, уларнинг бир неча тилларда эркин мулоқот қилишлари-ю жаҳон кезишлари, дунёга юртимизни ўрнак қилишларини кўриб, қалбингда фахр ҳисси уйғонади. Ахир, улар мангуликка дахлдор маънавиятдан баҳраманд бўлган замонавий ёшлардир. Бугун барчамизга бирдек фарз бўлган вазифа — тинчликни қадрлашу, шу дориломон кунларда ёшларимизни азалий маънавиятимиз руҳида тарбиялашдир.

Ҳалима ЖУМАНИЁЗОВА.

Партия ҳаёти

ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгашининг навбатдаги йиғилишида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзоси Жума Чоршанбиев иштирок этди. Унда партиянинг туман ва шаҳар кенгашлари раислари қатнашдилар.

ДЕПУТАТ БИЛАН УЧРАШУВ

Тадбирни вилоят кенгаши раиси ўринбосари Абдулла Холмирзаев бошқарди. Депутат Жума Чоршанбиев партия фаолларининг бугунги кундаги вазифалари, уларнинг жойлардаги муаммоларни атрофлича ўрганиб чиқишдаги роли, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари хусусида гапирди. Шунингдек, амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, «Миллий тикланиш» газетасида ёритиб бориш муҳимлигини, партия нашрига обунани ташкил қилишга ҳам етарлича эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

Йиғилиш иштирокчилари депутатга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишди. Шаҳар ва туман кенгашлари раислари таклиф ва мулоҳазалар билан сўзга чиқдилар.

Жуманазар АНОРОВ.

САНЪАТКОРГА ЭҲТИРОМ

Сентябр ойининг 18 санасида Ўзбек Миллий академик драма театри ниҳоятда гавжум, файзли тус олди. Шу куни Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комиловнинг қутлуғ 60 ёшга тўлиши муносабати билан театрда тантанали кеча бўлиб ўтди.

Томоша залидаги ўриндиқлардан ташқари қўшимча стуллар ҳам банд. Бу актёр ва унинг ижодига бўлган эътибор, ҳурматнинг юксаклигидан, албатта. Йиғилганлар орасида актёрнинг мухлислари, дўстлари, шогирдлари ва ҳамкасблари ҳам бор эди.

Катта экранда санъаткор яратган қаҳрамонлар биринкетин жонланди. Шундан сўнг навбат актёрнинг онаси Хайринисо ая билан бўлган суҳбатга берилди.

Тадбирда Ўзбекистон халқ артистлари Ёдгор Саъдиев, Ғуломжон Ёқубов, Ўзбекистон халқ ҳофизи Ўлмас Саиджонов, республикада хизмат кўрсатган артистлар Гулбаҳор Сулаймонова, Эркин Рўзиматов, хонандалар Моҳира Асадова, Озодбек Назарбеков ва «Мирзо» театри жамоаси ҳам қатнашишди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедов актёрга эсдалик совғасини топширар экан, унинг миллий қадриятларимизга бўлган эътиборини юқори баҳолади, барча партиядошлар номидан эзгу тилаклар билдирди. Тантанада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдуғафур Маматов, ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Хайринисо Мирзажоновалар иштирок этишди.

Насиба ОЧИЛОВА.

• Бугуннинг гапи

ҲАР ЖОЙНИ ҚИЛМА ОРЗУ...

Яқинда ўқишдан қайтаётиб, Республика ОИТС маркази биносидаги аноним хона олдида 30 нафарга яқин киши тўпланиб турганини кўриб, ҳайрон қолдим. Тўғриси, кўнглимга келган ўйдан тавба қилдим. Лекин одамлар билан гаплашиб, вазиятни билгач, улар нега аноним хона олдида тўпланганини тушундим. Маълум бўлишича, одамлар Кореяга ишлашга бориш учун ҳужжат тайёрлашаётган экан. Албатта, бундан кўнглим тоғдай кўтарилди. Негаки, шу пайтгача қулоғимизга ноқонуний йўллар билан чет элга ишлаш учун кетаётган кишиларнинг машъум тақдири ҳақида жуда кўп гап-сўзлар чалинган. Шу боис, ҳужжат тўғрилаб, тиббий текширувлардан ўтиб кетганига нима етсин.

Чет элда ишлаш ёки бошқача айтганда миграция бугунги глобаллашув жараёнида оддий ҳолатлардан бири. Халқаро Миграция ташкилотининг маълумотига кўра, айни пайтда ер юзида 191 миллион нафар киши мигрант ҳисобланади. Умуман олганда, миграция дунёнинг 90 га яқин давлатида амал қилаётир. Йил сайин бу рақамларнинг ўсиб боришига халқаро кузатувчилар бир неча сабаб ва омилларни кўрсатишади. Аввало, курраи заминда демографик вазиятнинг кескин ўзгариши ҳамда ривожланган давлатларда иш кучининг қариш жараёни бошлангани, пировардида, бу кучга катта эҳтиёж туғдирмоқда. Қолаверса, учинчи дунё давлатларида иқтисодий аҳволнинг ёмонлашуви ҳам миграцияга таъсир кўрсатаётир.

Аслида, бошқа жойга бориб ишлаш, ўз мамлакатига маблағ киритишнинг ёмон томони йўқ. Унинг ижобий жиҳатлари ниҳоятда кўп. Қолаверса, бундан миллионлаб инсонларнинг қора қозони қайнайди. Тарихдан маълумки, ўтган асрнинг 70-йилларида Испанияда Франко бошчилигидаги диктаторлик режими қулагач, мамлакат иқтисодиёти танг аҳволда қолади. Бироқ сўнгги ўн йил ичида иқтисодиёт гуркираб ўсади. Боиси ўтказилган кенг қамровли ислоҳотлардан ташқари Европанинг бошқа мамлакатларига ишлаш учун чиқиб кетган испанлар давлатга жуда катта сармоя олиб келади. Оқибатда, миграция Испанияда туризмдан кейин энг сердаромад соҳага айланди. Ҳозирда Туркия, Ҳиндистон, Шарқий Европа мамлакатларида ҳам чет элда ишлаш кенг ривож топган.

Норасмий маълумотларга кўра, бугун юртдошларимиз орасида ҳам чет элда ишлаб, рўзғорини обод қилаётганлар талайгина. Улар асосан Россия, Жанубий Корея, Қозоғистонга, маълум қисми эса Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари, Европа, АҚШ ҳамда араб мамлакатларига ишлаш учун боришмоқда. Ҳамюртларимиз ҳам кўп қатори дунёни кўришмоқда, қолаверса, аста-секин юртимизга валюта олиб киришмоқда. Бу ижобий ҳол албатта. Лекин борганларнинг ҳаммасиям бу имкониятга эга, десак нотўғри гапирган бўламиз. Негаки, ё қариндоши, ё қишлоқдоши четга чиқиб, уйига бир-икки сўм жўнатаётганларини кўриб, баъзи одамларимиз «питирлаб» қолишди. Бу борада, айниқса, бир гуруҳ нияти бузуқ, пулга ўч кишилар қонун-қоидадан бехабар минглаб юртдошларимизни ўз домига тушириб, хорижда азобу қийноқларга мубтало қилишаётир. Даҳшатлиси, қанчадан-қанча аёлларимиз, қизларимиз ўша манфур кишиларни деб бир умрлик изнодга қолишди.

(Давоми. 2-бетда).

● Ислоҳот мевалари


ХОРАЗМНИНГ ХАРИДОРГИР ШАКАРИ

Ноз-неъматлар тўла дастурхонни ширинликсиз тасаввур қилолмайсан киши. Айниқса, шакар болажонларнинг жону дили. Шакар чой мазасини улар яхши билишади...



Ўзимизда шакар ишлаб чиқарадиган корхона қурилаётгани хабарини эшитиб ҳайратлангандик. Мана бугунга келиб, минг-минг тонналаб шакар Хоразмда тайёрланаётир. Мустақиллик шарофати билан қўлга киритилган бундай имкониятдан кўнгиллар тўлиши табиий.

Пойтахтдан тўққиз юз километр олисликдаги Хазорасп туманининг Янгибозор қишлоғида жойлашган «Хоразм шакар» очиқ акциядорлик жамиятида жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган сифатли ва харидоргир шакар ишлаб чиқарилаётир. Заводнинг умумий ҳудуди бир юз йигирма гектарни ташкил этади. Урганч, Шовот, Тўрткўл, Нукусда лавлаги қабул қилиш шахобчалари мавжуд.





Корхона 1998 йилнинг биринчи июнида ишга туширилган бўлиб, орадан уч йил ўтгач, очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилган. Республикада шакар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қувватлардан самарали фойдаланиш ва корхонани молиявий соғломлаштириш мақсадида жамиятнинг 99,43 фоиз акциялари улуши жорий йил бошида чет эл инвестори — Австрия фирмасига сотилди. Бу ўз самарасини бера бошлади. Корхонада бугунги кунда 1410 нафар киши фаолият кўрсатаётир. Иш икки сменада, тўртта бригадага бўлинган ҳолда ташкил этилган. Бир кунда минг тонна шакар ишлаб чиқариш қувватига эга ускуналар Туркия, Германия, Италия ва бошқа хорижий давлатлардан келтириб ўрнатилган.

— Жорий йилнинг саккиз ойида 29 минг 647 тонна шакар ишлаб чиқарилди. Мутахассисларнинг фикрича, бизда ишлаб чиқарилаётган шакар фойдалилиги ва сифати жиҳатидан бемалол чет эллар билан рақобат қила олади. Улардан бирмунча арзон ҳам, — дейди акциядорлик жамияти раиси Рустамжон Акбархўжаев. — Шу боисдан ҳам Хоразм шакари мамлакатимиз бозорида ўз ўрнини топди. Айниқса, маҳсулот сифатига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хабарингиз бор, собиқ иттифоқ даврида шакар асосан Украинадан олиб келинарди. Украинадан ўттиз нафар тажрибали мутахассисни таклиф қилганмиз. Мураккаб технологик жараёнларни маҳаллий кадрлар ҳам пухта ўрганиб олишди. Ўзбекистонлик, хусусан, хоразмлик ўн нафар ёш Киев шаҳридаги озиқ-овқат технологиялари Миллий Университетида таҳсил олишаётир. Талабаларнинг таълим олиши ва яшаши учун сарф-харажатларини корхона зиммасига олган.

Бразилиядан келтирилаётган шакарқамишдан олинган хомашёни қайта ишлаб шакар ҳолига келтиргунга қадар барча жараёнларни кузатиб, тўғриси, ёшларимизнинг ақл-заковатига, заҳнига қойил қолдик. Жуда мураккаб технологик жараёнларни ўзбек йигит-қизлари бошқариб турганини кўриб «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч кимдан кам ҳам бўлмаймиз» деган ишонч туйғуси қалбимизни чулғади.

Акциядорлик жамиятида Мустақиллигимизнинг 15 йиллик тантаналари ҳам муносиб нишонланди. Корхона ҳудудида стадион қурилиб фойдаланишга топширилди.

Корхона ошхонасида ишчи-хизматчилар учун арзон ва мазали иссиқ овқатлар тайёрланади. 20 та оилага уй-жой қуриб берилган. Яна 72 та оила учун корхона ҳисобидан уй қурилиши режалаштирилган. Акциядорлик жамияти қўшни маҳаллалар ободончилиги ва оилалар фаровонлиги учун ҳам ҳомийлик ёрдамини кўрсатмоқда.

Хазорасп дан пойтахтга қайтар эканмиз, жаҳоннинг илғор технологияларини ишлаб чиқаришга жалб этиш, чет эл инвестициясини олиб кириш — иқтисодиётимизни ривожлантириш, қўшимча иш ўринларини яратиш, импорт моллари ўрнини босадиган маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш нақадар муҳим эканига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

Ўринбой КЕНЖАЕВ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳамда ўзаро мувофиқлаштиришда у Жўқорғи Кенгес Раиси ва ҳокимларга бевосита ёрдам беради.

Очиқ айтиш керак, бу вазифада ишлайдиган киши том маънода маънавиятчи, яна ҳам аниқроқ қилиб ифодаланса, ҳақиқий мафкурачи бўлиши керак. Бу вазифага шундай салоҳиятга эга етук мутахассис — билими, тажрибаси етарли киши қўйилади.

Миллий ғоя ва мафкура тарғиботи, маънавий-маърифий ишларнинг аҳамияти ҳар қандай ишдан оғир. Ахир, террористик-экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолган фуқароларимиз мамлакатимизда Мустақиллик йилларида нималар қилганини бир эмас, бир неча бор бошдан ўтказдик-ку.

Қарорда кўзда тутилган учинчи янгилик шуки, Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг ташкилий гуруҳи – ижроия идораси ҳисобланмиш Республика "Маънавият ва маърифат" маркази Республика Маънавият тарғибот марказига айлантирилди. Унинг таркибий тузилишида ҳам муайян ўзгаришлар қилинди. Қўшимча равишда янги Тарғиботчилар фаолиятини мувофиқлаштириш ва малакасини ошириш бўлими очилди. Ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий тарғибот бўлими Ижтимоий-сиёсий тарғибот бўлимига, Ижтимоий-иқтисодий тарғибот бўлими Ҳуқуқий тарғибот бўлимига айлантирилди.

Тўртинчи янгилик шуки, Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ҳузурида шу пайтгача фақат ютиб олган грантлари асосида фаолият олиб борган Миллий мафкура илмий тарғибот маркази давлат бюджетидан молиялаштирилади-ган Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказига айлантирилди, унга 9 та штат бирлиги ажратилди.

Шу тариқа Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши амалда икки қанотга эга бўлди. Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази илмий-назарий, услубий-методик тавсиялар, дастурлар, ишланмалар, рисолалар, қўлланмалар ва бошқа нашрий босма маҳсулотлар ишлаб чиқади, миллий ғоя ва мафкура тарғиботи бўйича мониторинг олиб боради. Республика Маънавият тарғибот маркази бевосита амалий тарғибот ишлари билан шуғулланади. Мамлакатда маънавий-маърифий тарғибот тизимини такомиллаштиради, маънавий-маърифий ишларни уюштиради, мувофиқлаштиради, жойларда, ташкилот ва муассасаларда бу борадаги аҳволни ўрганади, уларга ёрдам кўрсатади, шу соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш тизимини йўлга қўяди.

Кўриниб турибдики, Қарорда вазифалар ўта муайян тарзда белгилаб берилган. Унинг ижроси учун ишни юксак даражада ташкил этиш керак. Ислоҳотлар туб моҳиятини, эришилган ютуқларни ишонарли, асосли, таҳлилий тарзда ҳам бевосита аҳоли ўртасида, ҳам оммавий ахборот воситалари орқали изчил ва мунтазам ёритиб бориш даражасини кескин кўтариш лозим. Яшириб нима қилдик, орамизда шундай одамлар ҳам борки, Мустақиллик шарофати билан ўзимизда ишлаб чиқарилган замонавий "Нексия"да юрибди, айнан Мустақиллик даврида қурилган кенг ва равон йўлда кетяпти, афсуски, фикри-ёдида норозилик, ношукурлик ва ҳоказо ўйлар. Шу фуқаро билан ким гаплашади? Унинг фикрини ким ўзгартиради? Ким унинг кўнглига шукр уруғини сепади?

УЧ БУЮК БОЙЛИК

Ҳозир ахборот асрида яшаяпмиз, ҳар тарафдан ахборот кириб келяпти. Бу табиий жараён. Лекин дўконларимизда сотилаётган хориждан келтирилган нашрий маҳсулотлар, аудио-видео кассеталар, турли дисклар, кинолар, китобларнинг ғояси, мафкураси, мақсади нимадан иборат, улар миллий манфаатларимиз, ғоя ва мақсадларимизга зид эмасми – буни ким назорат қилади, ким ўрганади, ким бундай хавфларнинг олдини олади?

Биз демократик жамият қуряпмиз. Виждон эркинлигини таъминлаш — демократиянинг олий талабларидан бири. Бироқ тушуниб етдикки, ҳақиқий дин — бошқа, дин ниқоби остидаги ёт мафкура — бошқа нарса. Дин баҳонасида айнан қандай ғаразли, ёт ғоялар кириб келяпти — ўз вақтида аниқлаб боряпмизми? Муллалар, отинойилар маърузалари кассеталар тарзида тарқатиляпти. Марҳамат. Бироқ айтилаётган, даъват этилаётган ғоялар замирида ёт мақсад яширин эмасми? Буни изчил таҳлил қилиб бориш, диний ва дунёвий тарғиботни ўзаро уйғунлаштириш зарурати кун сайин ортиб бораётир.

Бозор иқтисодиёти шароитида ота-онанинг боласи учун қандай дафтар ёки бошқа ўқув воситалари сотиб олишини бутунлай чеклашнинг иложи йўқ. Лекин тадбиркорлар ишлаб чиқараётган ёки яқин ва узоқ хориждан олиб келинаётган бу таълим-тарбия воситаларида беҳаё ёки умуман, мактаб болалари ёшига ахлоқий жиҳатдан мос келмайдиган, миллий манфаатларимизга зид ғоялар ташийдиган суратлар босилаётганининг олдини олиш учун айнан қандай маънавий-маърифий чора-тадбир кўришимиз керак?

Демократия шароитида эркин матбуот шаклланиши — табиий жараён. Хўш, шу хусусий нашрлар ўз иқтисодий мақсадларини кўзлаб, билибми-билмайми, миллий ғоямиз ва мафкурамизга зид, маънавиятимизга болта урадиган тушунча, ғоя ва талқинлар, сурат ва бошқа иллюстрацияларни чоп этмаяптими? Қандай қилиб улар устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш мумкин?

Телевидение — ҳозирги замонда энг оммабоп ахборот воситаси. Китоб, газета, журнал ўқишга фурсати, интернетдан фойдаланишга имкон ва уқуви йўқ кишилар ҳам телевизор кўради. Лекин ойнаи жаҳонда намойиш этилаётган чет эл фильмларининг ҳаммаси ҳам бизнинг мақсад ва муддаоларимизга мос тушадими? Истар-истамас ўзимиз ёшларимиз тарбиясининг бузилишига ҳисса қўшиб қолмаяпмизми?

Халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизимларида миллий ғоя ва мафкура, маънавият асослари қандай сингдириляпти? Ўқув дастурлари, дарсликлар, қўлланмаларда эътиборсизлик, билимсизлик оқибатида фарзандларимиз онг-тафаккури ва қалбига ўзимизга қарши ғоя сингдирилаётгани йўқми? Адабиётимиз ва санъатимизда қандай ғоявий-мафкуравий, маънавий жараёнлар кечмоқда? Муаллифларимиз қайси ғояларни илгари суряпти? Уларни шу нуқтаи назардан ким таҳлил этади?..

Бундай саволларга жавоб излаш бевосита Халқ, Ватан ва Давлат бугуни ва келажаги учун суву ҳаводай зарур. Халқ, Ватан ва Давлатни ҳар куни ҳар лаҳзада қўриқлаш, асраш, муҳофаза қилиш шарт. Бу эса, энг аввало, одамлар, хусусан, ёшлар онг-тафаккури, маънавияти ва қалбида Ўзбекистон, унинг равнақи, тинчлиги, фаровонлиги учун яшаш туйғусини мустаҳкам ўрнатиш орқали кечади.

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши, унинг тузилмалари, минтақавий-ҳудудий кенгашлари шу вазифаларни бажаришни буткул ўз зиммасига олиши шарт. Кенгаш жамоат ташкилоти сифатида шундай масалаларни кўтариш, изчил ўрганиш, жамоатчилик фикрини уйғотиш, олдини олишга тўла ҳақли ва шунга масъул. Президентимиз Қарори бундан буён ишни шу асосда тамоман янги савия ва даражада йўлга қўйишни талаб этади.

Султонмурод ОЛИМ.

● Партия ҳаёти

ФАОЛЛАР ИШТИРОКИДА ЎТДИ

ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши ташаббуси билан партиянинг Паркент туман кенгашида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлигини ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросининг таъминланиши юзасидан туманда олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиш мақсадида йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши ходимлари, тумандаги бошланғич партия ташкилотлари раислари, фаоллар иштирок этишди. Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан ЎзМТДП Паркент туман кенгаши раиси М.Икромова сўзга чиқди. Шундан сўнг туман «Фермер аёллар» уюшмаси раҳбари М.Утегенова ахборот берди. Маърузачи партиядошларимизнинг жамият ҳаётидаги ўрни, партия аъзоси бўлган аёллардан 30 нафарининг бугунги кунда тадбиркорлик ва фермерлик билан шуғулланиб келаётгани ҳақида гапирди.

Шунингдек, йиғилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда хотин-қизларнинг ролини ошириш, миллий қадриятларимизни тиклаш, ёшлар тарбиясида партия фаолларининг ўрни қандай бўлиши зарурлиги ҳақида мунозара бўлиб ўтди

Гулгун РАҲИМОВА, ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши раиси ўринбосари.

ТАРБИЯ – МУҲИМ МАСАЛА

Маънавият ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Уни шакллантириш учун бутун жамият жону дилдан ҳаракат қилмоғи керак. Шукурки, ўтмиш маданиятимиз жаҳон тамаддунида ўз мавқеи, дунё халқлари эътирофига лойиқ маънавий олами билан ўзлигимизга замин бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг бош мақсади ҳам «Миллий манфаатлар замирида янги ўзбек давлатчилигининг асосларини яратиш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш»дир. Юқоридаги сатрлар партиямиз Устави саҳифаларидан жой олган экан, ҳар бир кунимизни ёш авлод таълим-тарбияси ва камолотига сафарбар қилишимиз лозим.

ЎзМТДП Марказий кенгаши ва Тошкент шаҳар Учтепа туман кенгаши ҳамкорлигидаги «Аёл — баркамол авлод мураббийи» мавзуидаги давра суҳбати ҳам шу ғояларга асосланган ҳолда ўтказилди. «Қозигузар» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган тадбирни партиянинг Учтепа туман кенгаши раиси Нафиса Аҳмедова очиб, унинг мақсади, партиянинг аҳоли ўртасида олиб бораётган ишлари ҳақида тўхталди.

Партия Марказий кенгаши «Аёллар қаноти» мутахассиси Танзила Холтоева даврадагиларни партиядошларимизнинг мақсад ва вазифалари билан таништирди. Давра суҳбатида қатнашган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитасининг етакчи мутахассиси Соҳиба Абдуллаева, Ўзбекистон Мусулмонлар идораси аёллар бўлими маслаҳатчиси Иқболхон Исмоиловалар ёш авлодни турли хил диний оқимлар таъсирига тушиб қолишдан сақлаш муҳим масала эканлигини таъкидлашди.

Насиба ОЧИЛОВА, ЎзМТДП Марказий кенгаши мутахассиси.

● Жамият ва қонун

АЁЛ МАЪНАВИЯТИ МУҚАДДАС

Одобли, назокатли, меҳрибон, ор-номусли ва шарм-ҳаёли аёллар ҳақида ҳар қанча сўзласанг ҳам арзийди. Бундай маънавиятли аёллар ҳақида мадҳиялар битсанг ҳам оздек туюлаверади.

Аммо бир тоифа аёллар хусусида аччиқ бўлса ҳам ёзишга мажбур бўламиз. Шарқона айтадиган бўлсак, энг аввало, аёлда ҳаё кучли бўлиши керак. Нигоҳида меҳри, қалбида шафқати йўқ аёл билан ким бахтиёр яшай олади? Жамоа орасида, айниқса, бозорларда оғзидан боди кириб-шоди чиқаётган, бир-бирларини ҳақорат қилаётган, турли жиноятлар содир этаётган «ожиза»ларга тез-тез дуч келиб қолаётганимизнинг ўзи бир ташвиш. Ахир, бундай нохуш аҳвол газак олаверса, эртага нима бўлади? Айшу ишрат кўчасида «кайфу сафо»ни ихтиёр этган ичкиликбоз ва гиёҳванд аёлларни ким деб аташ мумкин?

Касбимиз тақозоси билан аёл номига, унинг шаънига доғ тушираётганларга (ундайларни аёл дейишга ҳам кишининг тили бормайди) қонун олдидаги бурчлари, мажбуриятлари ҳамда жавобгарликларини эслатиб туришга тўғри келади. Яқинда бир аёл устидан жиноят ишлари бўйича Ғиждувон тумани судида ҳукм ўқилди. У ўғирлик қилгани учун айбдор деб топилиб, беш йилга озодликдан маҳрум этилди. З.Қурбонова эрталабдан спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолатда Ғиждувон шаҳридаги С.Ёдгор кўчаси 2-уйда яшовчи С.Шамсиддиновнинг хонадонига ўғирликка тушади. Тилла тақинчоқлар, кийим-кечаклар ва нақд пулларни ўмариб кетади.

Энди ўттиз бирга кирган З.Қурбонова ким? У 2000 йилнинг февраль ойида Ғиждувон тумани суди томонидан ўғрилиги учун беш йилга озодликдан маҳрум этилиб, унга нисбатан Жиноят Кодексининг 72-моддасига асосан уч йил синов муддати белгиланганди. 2000 йилнинг 23 ноябрида ҳали шартли муддат тугамасдан у яна жиноятга қўл уради. Босқинчилик жиноятини содир этади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 164-моддаси 3-қисми «а» бандига ҳамда ЖКнинг 59-моддасига асосан 11 йилга озодликдан маҳрум этилади.

Президентимизнинг 2002 йилги Амнистиясига асосан З.Қурбонова жазонинг ўталмаган қисмидан озод қилинади. Аммо у ғамхўрлик ва меҳрибонликлар қадрига етмайди. Яна жиноят кўчасига киради. Ўғрилик қилиб қўлга тушади. Учинчи марта судланди. Ўғриликни касб қилиб олган ахлоқсиз аёлга энди шафқат йўқ.

«Чармгар» қишлоғида яшовчи Ф.Насуллоеванинг хулқ-атвори ҳақида ҳам илиқ гап айтиб бўлмайди. Шу йилнинг биринчи март куни у тумандаги 22-мактаб ўқувчиси, саккиз ёшли Элнора Меҳриддинована алдаб, қулоғидаги тилло сирғасини қўлга киритади. Шу вақтнинг ўзида яна бир норасида қиз — Машкура Абдуллаевани ҳам алдаб, қулоғидаги тилло сирғасини фириб йўли билан олиб қўяди. Қизалоқларининг қулоқларига олтин сирға тақиб қўйган ота-оналар бир пушаймон еса, фирибгар минг афсус чекди.

Суд судланувчи содир этган қилмишининг оқибатларини англаб етганини, айбига ихтиёрий иқрор бўлганини, томонларнинг ярашувга рози эканликларини эътиборга олиб, уни жиноий жавобгарликдан озод этиш, жиноят ишини ҳаракатдан тугатиш хусусида ажрим чиқаради. Қонунчилигимиз яна бир аёлни тўғри йўлга қайтиб олиши учун катта имконият берди.

Бухоро тумани «Работак» қишлоғида яшовчи Х. Муродова 132,6 литр этил спиртини жиноий йўллар билан топилганини била туриб, қонунга хилоф равишда муомалага киритиш мақсадида сотиб олиб, «Тошкент-Бухоро» йўналиши бўйича қатнайдиган автобусда олиб кетаётганда сири фош бўлди. Х. Муродова қилган жиноятидан чин кўнгилдан пушаймон бўлди.

Жорий йилнинг саккиз ойида туманда 380 та жиноят қайд этилган бўлса, шундан 64 таси аёллар томонидан содир этилган. Бу кўпчиликни сергак этадиган рақам.

Ор-номусини, қадр-қимматини ерга ураётган маънавиятсиз аёллар ҳақида ёзар чоғи буюк рус адиби Лев Толстойнинг ҳикматли сўзлари ёдга тушади: «Эркакка ўхшамоқчи бўлган аёл худди аёлсифат эркак сингари тасқарадир».

Баҳодир НАЗАРОВ, Ғиждувон тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси.

ҲАР ЖОЙНИ ҚИЛМА ОРЗУ...

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бундан тўрт-беш йил муқаддам жамоатчилик бунга қарши фикрлар билдира бошлади. Шу билан бир қаторда, юртимизда инсон савдосига қарши қаратилган қатор тадбирлар, амалий ишлар ўтказилди. "Қулликка рози бўлма" акцияси доирасида ишонч телефонлари ташкил этилди, аҳолини ахборот билан таъминлаш мақсадида рангли буклетлар, китобчалар чоп этилди, ОАВда чиқишлар қилинди. Маълум маънода халқимиз онгида бу офат ҳақида тасаввур уйғотилди. Лекин ҳозир ҳам хорижда хор бўлаётганлар учраб турибди.

"...Мадридга етиб келганимизда бизнинг келишимиз тўғрисида уларни ҳеч ким огоҳлантирмаганлигини, агар бизни кутиб олишларини хоҳласак, 100 доллар, ишга жойлаштириб қўйишларини хоҳласак, яна 100 доллар тўлашимиз кераклигини айтишди. Биз ноилож пулни бердик, лекин ҳеч ким кутиб олмади. Иш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас...", — дейди Б. исмли фуқаро.

Қанчалик аламли, қанчалик аччиқ бўлмасин, ҳақиқат барибир ҳақиқат. Юртдошларимизнинг не-не орзулар билан четга сафар қилишлари-ю, не-не кўргуликларга мубтало бўлишлари, табиийки, ҳар биримизни чуқур мулоҳазага чорлайди. Хўш, уларнинг бу даражада чув тушишларига нима ёки ким сабабчи? Шу азиз Ватаннинг бир фарзанди сифатида сизнинг ёки бизнинг хатоимиз нимадан иборат?

Бунинг сабаби аввало, юртдошларимизнинг етарлича ахборот билан таъминланмаслигида деб ҳисоблаймиз. Баъзи афишаларда жуда катта ваъдалар берилади. Мисол учун: бир кунда 300 ёки соатига 20-30 доллардан маош берилади... Ваҳоланки, ўша мамлакатдаги маҳаллий аҳоли ҳам бу миқдорда маош олмайди. Қандай қилиб четдан келган, қўлидан қора меҳнатдан бошқа иш келмайдиган сизу бизнинг жигаримиз улардан кўп маош олиши мумкин?! Бу мантиққа зид, албатта. Бироқ буни улар, яъни ишга кетувчилар қаердан билсин?

Бу борадаги ишларда жамоатчиликнинг назорати жуда суст десак, тўғри бўларди. Негаки, четга иш билан кетувчилар ҳақида, аввало, уларнинг оилалари, шунингдек, атрофдаги маҳаллакуй қаттиқ назорат ўрнатмоғи лозим эди. "Ҳақиқатда у ишга жойлашдими?", "Хат-хабар борми?", "Қайси ташкилот орқали кетди?", "Жўнатаётган пуллари ўз вақтида келаяптими?" сингари саволларни биринчи галда биз қўйишимиз, агар қандайдир муаммо бўлса, бевосита тегишли ташкилотга мурожаат қилишимиз керак эди.

Шу ўринда халқимизнинг «Ҳар жойни қилма орзу, ҳар жойда бор тошу тарози», деган гапи ёдимизга тушади. Бугун жаҳон тезликда глобаллашув сари интилаётир. Мустақил давлатимиз фуқаролари бу жараённинг фаол иштирокчиси бўлиши учун хорижга ишга кетаётганларнинг тақдирига ҳаммамиз ҳам бефарқ қарамаслигимиз керак.

Қобилжон ХИДИРОВ.

● Элга таниқли одамлар

Кейинги пайтларда қайси бир даврада бўлмайлик, гап телевидение кўрсатувлари ҳақида кетгудек бўлса, албатта «Оддий ҳақиқатлар» кўрсатуви, унинг бошловчиси тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдириладиган бўлиб қолди. Нечук бу кўрсатув одамлар оғзига тушди, деган савол туғилиши табиий. Демак, кўпчиликка маъқул бўлган. Халқнинг кўнглидаги, дилидаги, ўй-хаёлидаги гапни топиб, уни алоҳида мавзу қилиб, томошабинларга етказа олишнинг ўз машаққатлари бўлиши шубҳасиз. Чунки бу катта меҳнат, табиийки, кўрсатув бошловчисининг зиммасига тушади.

Шу ўринда ҳар бир кўтарилаётган масалага ўз муносабатини билдириши унинг маҳорати, билими, дунёқараши нақадар кенг, мушоҳадали эканидан далолат беради. Мустақиллик айёми арафасида Гулмира Мусажоновага «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони берилиши ҳам бежиз эмас. Яқинда «Оддий ҳақиқатлар» кўрсатуви бошловчиси таҳририятимиз меҳмони бўлди.

ОДДИЙ ҲАҚИҚАТЛАР СИРИ

— Гулмира опа, касб тақозоси сабабли турли кишилар билан учрашасиз. Айтинг-чи, қандай инсонни зиёли инсон дейиш мумкин?

— Назаримда, аввало, виждонли, олижаноб, бировнинг ҳақига хиёнат қилмайдиган, билимли, эътиқоди мустаҳкам, қолаверса, ўз дунёқарашига эга, ҳар томонлама — ҳам ички, ҳам ташқи томондан маданиятли инсонларни зиёли деб биламан.

— «Оддий ҳақиқатлар» кўрсатувининг яратилишига нима туртки бўлганди? Ҳаётингиздаги бирон воқеа-ҳодисами ё атрофдагиларнинг фикр-мулоҳазаларими?

— Телевидениеда 10 йилдан бери фаолият юритаман. Аввалига кино, театр ҳақида кичик-кичик кўрсатувлар тайёрлаб юрдим. Аммо, булардан кўнглим тўлмади. 1996 йилда илк кўрсатувим — «Яхши ният»-нинг иккита сони эфирга кетди. Кейин кўрсатувим ёпилди. Менга «Сен ўзингни ҳали топиб олмабсан» дейишди...

Анча йиллик тажрибамга таяниб, фаолиятимда ўсиш бўлиши керак, деган фикрга келдим. Ўйлаб қарасам бизнинг каналда ўша вақтда бу каби шоуларни фақат эркаклар олиб бораркан. Инсонларни яшашга ундовчи, уларнинг юрагига таъсир қилувчи шоу кўрсатув қилиш ниятим бор эди. Таваккал қилдиму ўтган йилнинг январида «Оддий ҳақиқатлар» кўрсатувининг илк сонини тайёрладим ва у томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди.

— Кўрсатувни яратишдан мақсад нима эди ва у сиз истаган натижани беряптими?

— Аввало, айтишим керакки, мен шоу яратмоқчи эди. Аммо халқ билан бирга юрганим учунми, кўз илғамас муаммолар кўрсатувим орқали ўз ечимини топа бошлади, назаримда. Мен айнан шуни истагандим. Буни телефон қўнғироқлари, келадиган мактублардан ҳам билса бўлади.

— Кўрсатувнинг халқ орасида бунчалик тез машҳур бўлишининг сири нимада деб ўйлайсиз? Гулмира Мусажонованинг экран олдида ўзини тутиши, гап-сўзларининг табиийлиги, ҳатто кийиниши ҳам, самимий ва соддалиги балки кўрсатувга машҳурлик келтиргандир?

— Юқорида айтганимдек, одамлар юрагидаги фикрларни айтганим, улар билан ҳисоблашганим мени инсонларга яқин қилгандир. Гап-сўзларимга келсак, баъзан кескин, баъзан тортинчоқман. Очиғини айтсам, менинг вужудимда икки инсон яшайди. Бири журналист, бири ўзбек аёли. Кўрсатув вақтида журналист: «Гулмира, қатъиятинг қани, фикр билдир, уятни четга йиғиштириб қўй, кескинроқ ҳаракат қил», — дейди. Ўзбек аёли эса: «Гулмира, сен аёлсан, ҳаё қани, ибо қани?» — дея мени таъқиб қилади.

— Шундай вақтларда ким ғолиб чиқади? Журналистми ё ўзбек аёлими?

— Бундай вақтларда вазиятдан келиб чиқиб иш қиламан. Мени қутқарадиган нарса имо-ишора орқали ўз фикрларимни билдира олишимдир. Аммо ўзим қатъиятли, фикри ўзгармайдиган инсонларни ҳурмат қиламан. Ва ҳар доим кўрсатувимни чекка бир қишлоқ аёли ҳам, юқори табақали инсон ҳам томоша қилаётганини ёддан чиқармасликка интиламан. Кийинишимга келсак, телевидение қонун-қоидаларидан келиб чиқиб кийим танлайман, холос.

— Гулмира Мусажонова ҳаётда ҳам худди экрандагидекми?

— Ҳа, ҳатто, эфирга кийган кийимларимни ҳар куни кийиб юраман. Сабаби эфир учун алоҳида кийимларим йўқ. Фарқи шуки, кўрсатувда шим ва енги йўқ кийимларни киймайман. Аммо ҳамма кийимларим ўзимники, уларни ўзим сотиб оламан.

— Кўрсатув сценарийси тайёр бўлгач, уни биринчи бўлиб ким кўради?

— Биринчи ва охирги кўрадиган инсон бу бош муҳаррир бўлади.



— Кўрсатувингизга танқидий фикрлар билдирилган вақтлар ҳам бўлгандир. Танқид сизнингча нима?

— Танқид қилишганда бироз хафа бўламан, аммо охиригача эшитаман. Атрофимдагиларга гапириши учун имкон бераман. Сабаби фикрдан-фикр туғилади. Агар танқид асосли, ишончли бўлса, бунга қарши эмасман.

— Иш бор жойда камчилик ҳам бўлади, сизнингча кўрсатувнинг кўзилғамас камчиликлари, муаммолари борми? Сизни нима кўпроқ ташвишга солади?

— Албатта, бор. Гоҳида кўрсатувга келганлар мавзудан чиқиб кетишади. Натижада мен кутган фикрлар айтилмай қолади, тўғри хулосага келинмайди. Бу эса кўрсатувнинг саёз чиқишига олиб келади. Ҳар қандай кўрсатув меҳр, самимийлик ва иштиёқ билан тайёрланиши керак. Кўрсатув учун танланган мавзудан четга чиқмаслик лозим. Бироқ ҳар доим ҳам мен ўйлагандай бўлмайди. Гоҳо фикр кетидан қувиб, кўнгил кутган натижа чиқмай ҳам қолади.

— Ҳаётий, аммо кўпчилик эътибор бермайдиган мавзуларни қандай танлайсиз?

— Буларнинг кўпи ҳаётимдан олинган, аммо сценарий ёзишдан аввал ён-атрофдагилар билан суҳбатлашаман, фикрларини эшитаман. Агар бу керакли ва қизиқ мавзу бўлса кўрсатувимга асос қилиб оламан.

— Кўрсатувда иштирок этадиган мутахассислар фикри томошабинлар фикридан фарқ қилиши мумкин, сиз эса бундан тез хулоса чиқарасиз ва хулосани аниқ, тушунарли қилиб етказиб бера оласиз. Бу, албатта, сизнинг тажрибали эканлигингиздан далолат. Аммо бунинг яна қандайдир сири борми?

— Мен ҳар бир кўрсатувимга пухта тайёрланаман. Мақтаниш бўлмасину ҳар томонлама бериладиган саволларга менда деярли жавоб тайёр бўлади.

— Иш юзасидан ким биландир қаттиқ тортишиб қолдингиз, сизни хафа қилишди ва айни шу дамда тасвирга олиш ишлари бошланиши керак. Бу вазиятдан қандай чиқасиз, экран ахир, гўзалликни севади-ку, унга доим кулиб, яхши кайфият билан боқмоқ керак, тўғрими?

— Гапингиз тўғри. Айниқса, тасвирга олиш вақтида бундай ҳолларга кўп дуч келаман. Шунда ичимдаги журналист мен экран олдида турганимни ёдга солади ва «Мотор, кетди!» деган сўзни эшитишим билан ишимда давом этаман. Сабаби, кўрсатувимда мен фақат журналист эмас, бошловчи ҳамман.

— Шу касбни танлаганингиздан афсусланган вақтларингиз ҳам бўлганми?

— Гоҳида чарчаб кетаман. Аслида мен ТошМИга кириб шифокор-кардиолог бўлмоқчи эдим. Бу менинг армоним. Бир нарсани кўп эслайман. 20 йил аввал битирув оқшомида дўстларим: «Вақт ўтиб Гулмира машҳур журналист бўлади», — дейишганди. Мен эса аёл кишининг икки нарсада — турмуш қураётганда ва касб танлашда омади келиши керак, деб ўйлайман. Очиғи, бу касбни танлаганимдан энди афсусланмайман.

—Сизга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони берилганлиги ҳақидаги хабарни дастлаб кимдан эшитдингиз?

— Кўрсатувни монтаж қилаётгандим. Ички телефондан Хуршид Даврон телефон қилдилар. Аввалига иш билан чалғиб, унча аҳамият бермадим. Уйга келсам, уйдагилар табриклашяпти. Ишонар-ишонмас эртасига «Народное слово» газетасини сотиб олдим. Рўйхатда исмимни ўқидиму кўзимга ёш келди. Юрагимда сўз билан ифодалаб бўлмас ғурур пайдо бўлди. Илгари ўзим мукофот олганларни табриклардим, аммо юрагим билан бунинг қанчалик тотли, ширин нарса эканлигини энди тушундим. Очиғи кутмагандим, ҳалигача табриклашса, хурсанд бўлиб кетяпман. Тўғриси, мен меҳнатим эътироф этилганидан хурсандман.

— Янги лойиҳалар яратиш ниятингиз борми?

— Бор. Айни дамда янги дастур лойиҳаси устида ишлаяпман. Бу кўрсатув токшоу тарзида бўлиб, унда турли мавзулар ёритилади. Номи ҳали аниқ эмас. Кўрсатув кечки дастурлардан жой олади.

— Гулмира Мусажонованинг ичидаги ўзбек аёлининг бахти нимада?

— Бу йил мучал тўйини нишонлайдиган Соҳиба исмли қизалоғим бор. «Журналист бўлмоқчиман, аммо бўлмайман, сабаби. жуда қийин касб», — дейди у. Рақс тушишни яхши кўради. Катта бўлса Ўзбекистоннинг Францияда элчихонасида ишламоқчи. Фарзандимнинг шу гапидан, ниятидан фахрланаман. Она эканлигим — катта бахт.

— Доим содда ва гўзал кўринишингизни сири нимада, спорт билан шуғулланасизми?

— Бадминтон, волейболни яхши ўйнайман. Худо хоҳласа, йога билан шуғулланмоқчиман.

Суҳбатдошимизнинг ўзи шундай Инсон. У ўзгалар муаммоларини ҳал қилиш, одамларга далда бўлиш, меҳр улашишни севади. Бу — оддий ҳақиқатлар эди.

Адибахон ҒАЙРАТ қизи суҳбатлашди.

● *Иймон ҳаловати*

ЮРАК БЕКОРГА ЙИҒЛАМАЙДИ

Ёшлигимда кўзимдан ёш чиқиши қийин эди. Қанчалик, алам бўлса қалбимга чўкаверарди. Энди эса юрагим дилдирайди. Яхши одамнинг оламдан ўтганини эшитсам, виждонсиз олдида бош эгишга тўғри келса, кўз ёшим сизиб келаверади. Ўзимни тия олмайман ва бир нарсага иқрор бўламан: кексалик қалб кўзининг очилиши эмасмикан?

Хотин-қизлар қўмитасида эндигина иш бошлаган кезларим эди. Шом пайти эшик тақиллаб қолди. Чиқиб қарасам, бир кўча нарида турадиган таниш аёл.

— Бормасангиз бўлмайди, опажон, — деди у энтикиб. — Эрим ичиб келибдилар, уни-буни баҳона қилиб уйга киритмаяптилар. Ҳозир даладан келдим. Юринг, мендан озгина вақтингизни аяманг. Боламни эмизадиган пайт ҳам бўлиб қолди.

Бордим. Оқ шим, оқ кўйлак кийиб, сочларини чиройли тараган эр дивандa ёнбошлаб ётар, кирчир кийинган уч бола ғуж бўлиб бурчакка тиқилиб олишганди. Афтидан улар ота-онаси ўртасида бўлган можародан қўрқиб кетишган, энг кичиги тўхтовсиз йиғларди.

Болакай онасини кўриши билан югуриб келиб, этагига ёпишди. Шунда эркак:

— Ҳа, опа, сизга шикоят қилиб бордими бу? — деди. — Кўчама-кўча югургунча болаларга қарасанг бўлмайдими, оч ўтиришибди. Хотиндан ёлчимадим-да, опа. Ҳайдаб юборай, десам, мана бу запчастларга ачинаман.

У гапираётганда қўлларига разм солдим: оппоқ, қадоқдан асар ҳам йўқ, оғир меҳнат қилмаганини сезиш қийин эмас. Кийимлари озода, сочлари силлиқ таралган. Ўз уйида эмас, меҳмонга келган кишидек ўтирар эди.

— Опажон, — деди аёл юмшоқ овозда. — Бу киши сен билан уйга тер ҳиди киради, аёлга ўхшаб юрмайсан, дейдилар. Нима қилай, ишламасам кун ўтмайди. Бу кишининг топгани ўзидан ортмайди. Уйим-жойим демайдилар. Совуқ сувга қўл урмайдилар. Яхши кийиниш, йўл харажатининг ўзи бўлмайди. Биттагина сигиримиз бор. Даладан қайтаётганда ўт олиб келаман. Молга ҳам ўзим, рўзғорга ҳам, чарчаб кетдим.

Аёлнинг ўпкаси тўлиб, йиғлай бошлади. Бу орада эркак ўрнидан туриб, қўлини бигиз қилиб ўдағайлаб кетди:

— Овозингни ўчирасанми, йўқми, сенинг гапинг гапу бизларники гап эмасми?!

Бир сўз дейишга ожиз эдим, лол эдим. Шўрлик аёлга қараб дилим ачишар, ҳайкалга ўхшаган эркакка қараб эса ғазабим қайнарди.

— Севиб турмуш қурганмисизлар ёки ота-она орзусини деб...

Гапим оғзимда қолди, аёл шошиб тушунтирди:

— Синфдошмиз, севиб уйланганлар. Ўқишга кираман десам ҳам, ҳоли-жонимга қўймаганлар, энди эса ...

Аёл қанчалик жаҳл билан гапирмасин, бирор марта эрини сенламади. Гап орасида бирорта қўпол сўз ишлатмади. Унинг ўзини тутиши одобини кўрсатиб турарди. Эри эса оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юрувчи, енгил ҳаётни яхши кўрадиган, хотинига ичи ачимайдиган эркаклар тоифасидан экан. Қўлимдан келганча муросага келтиришга ҳаракат қилдим. Уйга қайтар эканман, оғзидан боди кириб, шоди чиқаётган эркакнинг қаршисида боласини бағрига босиб ўтирган аёл сира кўз олдимдан кетмасди. Аёлнинг нозиккина жуссаси, истараси иссиқлиги, ибо билан гапиришлари кичик синглимни эслатди. Сим-сим оқаётган кўз ёшларимга дастрўмолимни босдим.

Яна бир воқеа менга шунчалик қаттиқ таъсир қилдики, эртаси куни хотин-қизлар билан ишлаш вазифасидан озод қилишларини сўраб ариза ёздим. Биз фуқаролар йиғини биносида бир қизнинг тақдирини муҳокама қилардик.

Бир йигит ёш қизни йўлдан урганлиги ҳақида унинг ота-онаси шикоят ёзганди. Улар соддадил одамлар экан. Қизлари ўқишга киролмагач, кўнгли ўксимасин деб шаҳардаги бир идорага котибаликка ишга қўйишибди. Аввалига қиз ишга ўз вақтида бориб, ўз вақтида қайтибди. Кейин манови ҳайдовчи йигит қаердандир пайдо бўлибди-ю, қизнинг юриш-туриши ўзгарибди.

Муросага келиш жуда қийин бўлди. Йигит осмондан тушгиси келмай айбни қизга тўнкарди. Шунда ҳеч кутилмаган иш бўлди. Қизнинг отаси хотинининг сумкасини кавлаштириб, бир бурда нон чиқарди ва бошлиқнинг олдидаги стол устига қўйди-да:

— Майли, гуноҳинг бўлмаса шу нонни ўртага қўйиб қасам ич, ҳеч нарса демайман, пешонада борини кўраман, — деди. Йигит қасам ичишдан бош тортди. Нариги хонада ўтирган қизни чақиришди.

— Қизим, — деди бошлиқ чайналиб. — Бизнинг халқимизда нонни ўртага қўйиб қасам ичиш одати бўлган. Ҳал қилиниши қийин масалаларда шу усул қўлланилган. Бу киши айбдорликни тан олмаяпти, бош тортаяпти. Сен нима дейсан? Ҳақиқатдан ҳам шу одам сени алдаган, гуноҳкор бўлса, қасам ичасанми?

Шунда нима бўлди денг, қиз столнинг ёнига борди-да, нонни қўлига олди. Ҳамма тошдек қотиб қолди.

Қоронғуда мунғайиб кетаётган ота-она ва уларнинг бахтсиз бўлган навниҳол қизига қараб юрагим баттар ачишиб кетди. Кўзларимга ёш келди.

Рўзғорини гуллатиб турган жуфти ҳалолини инсон ўрнида кўрмайдиган, бегуноҳ бир қизнинг шаънини ерга урадиган, ор-номусини топтайдиган кимсаларни кўрганимда юрагим санчади, юм-юм йиғлайди.

Келиним ҳар инграганда сакраб туриб, эшикнинг олдига бораман. Кўринган оқ халатли ким бўлишидан қатъий назар сўрайман, илтимос қиламан:

— Сингилжон, келинимнинг аҳволини билиб беринг.

Ёнимда ўтирган юмшоқфеъл қудам насиҳат қилади:

— Қудажон, сабр қилинг. Ҳамма нарсанинг вақти-соати бор. Вақти-соатини кута олмайман. Эшикнинг олдига бориб келаверaман. Ниҳоят, ниҳоят эшикдан эмас, иккинчи қават деразасидан ёшгина ҳамширанинг янгроқ овози эшитилди:

— Опажон, набира муборак! Ўғил!

Севинганимдан йиғлаб юбордим. Мен буви бўлгандим. Севинч ёшлари юзларимни ювди.

Бўстон РАҲМОНОВА.

● Яхшилар ёди

Шоира Раъно Узоқовани кўпчилик адабиёт ихлосмандлари яхши билишади. У Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги Оққўрғон қишлоғида туғилиб-ўсган. Шоиранинг таваллуд куни деярли ҳар йили тантанали нишонлаб келинади. Бу йил унинг 90 йиллиги вилоятимиз бўйича кенг нишонланмоқда. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси вилоят кенгаши йил бошида шоира юбилейи тантаналарини ўтказиш юзасидан қарор қабул қилиб, тадбирлар режасини ишлаб чиқди.

ДИЛБАР ШОИРА ЭДИ

Шоирани кашф қилиш осон кечмаган. Атиги 31 йил ҳаёт кечириб, умрининг 10 йилини ижодга бағишлаган, уч ёшида етим қолиб, кўп қийинчиликларни бошидан кечирган шоирага ҳамма ҳам эътибор билан қарамаган. Агар унинг ижоди билан қизиқиб, опа ҳақида кенгроқ маълумот тўпланмаганида, балки ҳаммамиз ҳам Раъно Узоқовани билмас эдик. Бу ўринда шоира ижоди ва ҳаёт йўли ҳақида кўпгина тадқиқотларни олиб борган журналист, публицист, бир неча рисола, китоблар муаллифи, ёши олтмишни қоралаб қолган бўлса-да, ижод қилиб, ёшларга ўрнак бўлаётган Абдулла ака Ҳолмирзаев ҳақида сўз бормоқда. Шу йилнинг баҳоридан бошлаб вилоят «Сурхон тонги» газетасида Абдулла Холмирзаевнинг «Олислардан келар бир сас...» деб номланган туркум мақолалари эълон қилиб келинмоқда. Абдулла ака-ни суҳбатга чорладик.

— Мен мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ шоира ижодига қизиқа бошлаганман, — дейди у. — «Ўзбек шеърияти антологияси» деган китобни кутубхонадан олиб ўқиётганимда Раъно Узоқова Жарқўрғонда туғилганлигига кўзим тушгач, юрагим жиз этиб қўйган. Самарқандда олий ўқув юртида ўқиб юрганимда вилоят газетасида Раъно Узоқованинг ҳаёти ва ижоди ҳақида бир саҳифа материал берилган экан. У ерда ҳам шоиранинг Жарқўрғонда туғилганлиги қайд қилинган. Қизиқишим янада ортди. Жарқўрғонлик шоира ҳақида бошқа жойларда эълон қилинса-ю, у туғилиб ўсган жойда халқ ўз шоирасини билмаса, бу қандай гап?! Ўй-хаёллар гирдобида қолдим. Раъно Узоқованинг юртдошим эканлигини билгач, у ҳақда кўпроқ маълумот тўплаш учун оққўрғонлик катта-ю кичикдан суриштирдим. Бир кишини учратиб қолиб, қалбимда умид учқунлари пайдо бўлди. У ўқитувчи Болта Бойғучевга учрашишимни айтди. Болта аканинг ёнига бордим. Шоиранинг устозидан у ҳақдаги кўп нарсаларни билиб олдим. Болта ака Раънони боқиб олган Бадриддин бобо Сагитдинов айни пайтда Сурхонда яшашини айтди. Бобога учрашишни кўнглимга тугиб юрганимда таҳририятимизга Самарқанднинг Ургут туманидан хат келиб қолди. Хатда ургутлик ҳамкасбларим Жарқўрғонда туғилиб ижод этган Раъно Узоқованинг қариндош-уруғлари ҳақида маълумот бериб, кўмаклашишимизни илтимос қилишган экан. Бу хат мени Сурхондарёга, шоирани боқиб олган отасини излаш сари чорлади. Анча сарсонгарчиликлардан сўнг 72 ёшли Бадриддин бобони топдим. Суҳбат давомида отахон Раъно Узоқованинг Самарқандда Раҳима исмли қизи борлигини айтди. Кўзига ёш олиб, Раъно ҳақида билганларини гапириб берди. Эшитганларимни қоғозга тушириб, Ургутга ёзиб юбордим. Шоиранинг қизи Раҳимага ҳам алоҳида хат жўнатдим.

Етимлик изтироблари, мактаб-интернатда вояга етиш, ота-онаси ким эканлигини билмаслик... осон бўлмаган, албатта. Бироқ Худо унга ёркин истеъдод ато қилганди. Ажойиб шеърлари, ҳикоялари, достонлари, драмалари адабий меросимиз хазинасидан ўрин олди.

Ёзувчи Шароф Рашидов 1940 йилда ёзган «Раъно» номли очеркида шундай ёзади: «1918 йил кузининг изғирин шамоли тўхтамай эсиб турар эди. Зимистон кечанинг зулматлари ҳар ёнга вахима солмоқда, вокзалдаги пастқам бир девор остидан аллақандай инграган овоз келади. Бу ёш гўдакнинг товуши эди.

Онанинг иссиқ қўйнида ором ололмай, отасининг меҳрига қонолмай қолган бу ёш гўдакни бу ерга қачон, қаердан ва ким келтиргани номаълум. Юракни эзиб йиғлаётган гўдак онасининг кўкрагини қидирар экан, ота-онасининг ўлганини билганлар унинг мунгли йиғисига бир «оҳ» тортиш билан, билмаганлар эса: «Эҳ лаънати ота — она», — дебгина жавоб берадилар.

Қоп-қоронғида бир хотин нимадир кўтариб келарди. Бу Термиз вокзали машинистининг хотини Марям эди. У эрига овқат олиб келарди. Гўдакнинг овозини эшитган Марям у томон бориб, уни дарҳол кўтариб олдида, ўз боласидек бағрига босди... Шаҳардан анча узоқ Марямлар оиласида янги меҳмон пайдо бўлди. Бу меҳмон онасининг сутига, отасининг меҳрига қонолмай қолган Раъно қиз эди...»

Бўлажак шоира Марям хонадонида тарбияланиб, вояга етди. Уни саккиз ёшида интернатга ўқишга бердилар. У 1927 йили ўқишни Термизда давом эттиради. Таълим-тарбия техникумидаги ўқишини битиргач, Оққўрғон қишлоғидаги мактабда етти ой ўқитувчилик қилди. Сўнгра қишлоқ кенгашининг котиби бўлиб ишлади. Туман театрига ишга ўтди. Турмушга чиққандан сўнг, Андижонга кўчиб кетишди. Кейинчалик Раъно Узоқова Бухоро ва Самарқанд вилоятлари газеталарида адабий ходим, бўлим бошлиғи бўлиб ишлади. Эри урушда ҳалок бўлди. Шоира 1944 йил республика Ёзувчилар уюшмасининг аъзолигига қабул қилинди. У анча вақт Самарқанд вилоят радиосида ишлади.

Раъно Узоқова 1947 йилда 31 ёшида оғир юрак хасталиги билан вафот этди. Уч яшар қизи Раҳима етим қолди. Қизини у ижарада турган уй эгаси Розиқ ота Ўринов ўз тарбиясига олганди. Айни пайтда Раъно Узоқованинг қизи ва набиралари Самарқанд шаҳрида истиқомат қилишмоқда.

Раъно Узоқова бор-йўғи 10 йил ижод қилди. Лекин ундан арзирли ижод намуналари қолди. Шоиранинг илк шеърлари Сурхондарё вилоят матбуот нашрларида чоп этилганди. Унинг «Шеърлар», «Субҳидамда учган қалдирғоч», «Талпин, юрак», «Сайланма» номли бир қатор тўпламлари дунё юзини кўрди.

— Раъно тиниб-тинчимас, ёшларга ғамхўр қиз эди. Болаларни атрофига тўплаб шеър, ашула ўргатарди. Кейин билсак, бу қўшиқларнинг кўпи ўзиники экан. Раъно ўзимиздан чиққан шоира эди, — дейди устози Шоди Расулов.

Шоира ҳақида айтилган гапларнинг ҳаммаси ҳам унинг ўзига нисбатан масъулиятли эканлигини исботлаб турибди. Сўзимиз сўнгида Раъно Узоқованинг кўнгилдан ёзилган бир шеърини келтиришни лозим топдик:

ШИРИНЗАБОНИМ ҚАЙДАДИР?

Кўкни тутган турналар, айтинг-чи, жоним қайдадир?
Ифтихорим, шавкатим ҳам меҳрибоним қайдадир?
Ёр юрган кўчаларда изларам ҳар дам висол,
Дилга ором бергувчи қоши камоним қайдадир?
Қайдадир ул қадди шамшод, лаблари ғунчагинам,
Ёвни яксон айлаган ул қаҳрамоним қайдадир?
Чиқдими йўлга жаҳонни мангуга шодон этиб,
Жангда ғолиб, ўз элида паҳлавоним қайдадир?
Боғима экқан ниҳоллар куртак очмиш шавқ ила,
Навниҳолим сингари ул навқироним қайдадир?
Турналар, эй турналар, бир-бир кезиб, айланг дарак,
Келтиринг тездан хабар, жону жаҳоним қайдадир?
Боғда гуллар бирла Раъно булбулни ёд айлади,
Булбули хушхон ўшал ширинзабоним қайдадир?

Жуманазар АНОРОВ.

Луқмони Ҳакимнинг насиҳатлари

Эй фарзандим, улуғ ва қудратли — яратувчини тани.

* * *

Кимга панду насиҳат қилсанг, унга аввало, ўзинг амал қил.

* * *

Сўзни ўз қадрингга лойиқ гапир.

* * *

Одамларнинг қадрини бил.

* * *

Ҳамманинг ҳақ-ҳуқуқини англа.

* * *

Сирингни махфий тут.

* * *

Дўстни қийин кунда сина.

* * *

Дўстни фойда ва зиёнда имтиҳон қил.

* * *

Аблаҳ ва нодон одамлардан қоч.

* * *


Доно ва зийрак дўстни танла.

* * *

Яхши ишга қаттиқ кириш.

* * *

Аёлга қаттиқ ишонма.



Болалик хотиралари

Бобом ҳар йили колхоз раисидан илтимос қилиб қовун, тарвуз экишга ер оларди. У вақтларда бир қарич ер бўлса ҳам пахта экилиши шарт эди. Раис бува бобомнинг раъйини қайтармас, чўлнинг чекка-чекка жойларидан унга ер ажратиб берарди.

Бобом қовун пишди дегунча ҳосилнинг олдини йиғиб, қишлоқ аҳлига қовун сайли қилиб берар, биз — болалар эса бундай йиғинларда жуда яйраб кетардик.

ҚОВУН ЎҒИРЛИК

Айниқса, қовунни полиздан ташиб чиқиш жуда завқли эди.

Шундай йиғинларда бобомнинг ёнида оқсоқолларнинг суҳбатларини тинглаб ўтирардим. Бир гал қовун сайлида Эргаш бува бир қизиқ воқеани айтиб берганди. Ҳикоясини бошлашдан олдин Эргаш бува Собир тоғага маъноли қараб қўйди-да, айтайверайми, деб киноя қилди. Собир тоға қовоғини уйганча бошини эгиб олди.

— Ўшанда Собир янги куёв эди, — деб гап бошлади Эргаш бува. — Бир куни шомдан сўнг Ботир билан полизга қовун ўғирликка бормоқчи бўлиб, йўлга чиқдик. Йўлда Ботирнинг қитмирлиги тутиб қолди, Собирни ҳам бирга олиб борамиз, деб туриб олди. Собирни базўр кўндириб, ўзимизга қўшиб олдик. Ниҳоят қўшни қишлоқдаги полизга етиб келдик. Ботир нимани мўлжал қилганлигини энди тушундим.

У бизни тўғри Собирнинг қайнотаси деҳқончилик қилаётган полизга етаклаб борди. Чунки қовунларнинг энг ширини мана шу ерда эди-да. Хуллас, Ботир йўл бўйида пойлоқчилик қиладиган, мен Собир олиб чиққан қовунларни ариқнинг бу юзида туриб йиғиб турадиган бўлдим. Асосий юмуш Собирнинг гарданига тушди. У полизга ўғирликка киради. Шўрлик бу жойлар ўз қайнотасиники эканлигини қаердан билсин. Ниҳоят, ўғирлик бошланди. Собир бир марта қоп тўла қовунни елкасида кўтариб олиб ўтдида, бўлди, энди ўтмайман, деб туриб олди. Ботир уни авраб кўндирди. Собир содда эди, майли, бу охиргиси, деди-да, яна полизга кириб кетди. Бир вақт Собирнинг қайнотаси келиб қолди. Биз қочиб қолдик. Собирга хабар беришнинг имкони йўқ эди. У бўлса бу ишлардан бехабар яна бир қоп қовунни орқалаб ўтди. Ариқ ёқасидан тепага кўтарилар экан:

— Эргаш, қўлингни бермайсанми? — деб қичқирди.

Шу вақт унга бошқа бир одам қўлини чўзиб, қани, болам, мен ёрдамлашиб юбораман, деди. Таниш овозни эшитиб, Собирнинг баданидан муздек тер чиқиб кетди. Тепага кўтарилиб қовунни ерга қўйди-да, тўнининг пеши билан юзини тўсганча қочиб қолди.

Эртасига Собирнинг қайнотаси бир арава қовунни қизининг уйига юборибди. Қовунлар орасида ҳалиги қоп ҳам бор экан. Собир бўлса бир ҳафта кўчага чиқмай уйида ётди. Шу ўғирликдан сўнг у биз билан юрмайдиган бўлган. Эргаш бува ҳикояни тугатиши билан гуррос кулги кўтарилди.

Қачон қовун есам, беихтиёр шу воқеани эслайман. Кўз олдимдан бир-бир ана шу чоллар ўтади. Ўша вақтларда шираси тилни ёрадиган қовунлар бўларди. Энди бўлса, улар гўё ўша чоллар билан кетгандек.

Муҳаммаджон РАҲМАТОВ.

Табиат — мўъжиза

ДАРАХТЛАРДА ҲАМ ЖОН БОР

Дарахтларнинг ҳам жони бор. Тана орқа мия, бутоқлари 72 минг асаб торлари, ранги — баданнинг асосий маркази, барглар ўпкасидир.



Инсонлар билан дарахтлар ўртасида алоқа мавжуд. Агар алоқа бўлмаса, дарахтлар даволигини, инсонга яхшилик қилишини, баъзида ҳаёт тарзини ўзгартиришини биз қаердан билардик? Илм-фан бундай саволларга жавоб беришга ҳаракат қилмоқда. Масалан, баргларга капалак қурти тушди дейлик, дарахтлар хавфни олдиндан сезгандек, бир-бирларига хабар юбориб, ўз химиявий «заҳар»ларини ишлаб чиқараркан. Аниқ ва тўғри хабарнинг «тили» ҳали бизга номаълум бўлсада, тажрибаларнинг кўрсатишича, тана ва бутоқлар SOS хабарини юборишаркан. Олимларнинг фикрича, дарахтлар ва ўсимликларда асаб тизими мавжуд. Улар ҳам дунёни инсонлардек сезаркан.

ГУЛЛАР ШОҲИ

Россия императори Николай Павловичнинг онасини Царское селодаги боғда сайр қилдириш буюрилган генералнинг сайр давомида йўлка бўйидаги бўм-бўш жойни қўриқлаётган соқчига кўзи тушади. Қанча суриштирмасин, бўш жойга соқчи қўйилганининг сабабини ҳеч ким тушунтириб бера олмайди. Генерал бу ҳолат юзасидан маълумот сўраганда, Санкт-Петербургдаги мутасаддилар 50 йилдан буён тегишли фармонда «шарқий павильондан 500 қадам наридаги пост қўриқлансин» деган жумла борлиги ҳақида маълумот беришади.

Маълум бўлишича, Екатерина II ўз даврида боғ бўйлаб кезаркан, йўл четида эндигина очилган атиргулга кўзи тушади ва уни эрта тонгда набираларидан бирига тақдим қилиш ниятида, биров ўзиб кетмаслиги учун атиргулни қўриқлашга соқчи қўйдиради. Эртасига унинг ёдидан атиргул чиқиб кетади, пост эса ўз жойида қолаверади. Ўша жойни қўриқлаш давом этаверади...



Эронда эса атиргул билан боғлиқ бир гўзал ривоят бор. Айтишларича, гуллар шоҳига ошиқ бўлиб қолган булбул атиргулни бағрига босади. Шунда гул танасидаги тикан булбул бағрига кириб, юрагининг қони атиргулга сачрайди. Бу гулнинг ташқи япроқлари шундан тўқ қизил рангга кирган, дейишади.

Ҳиндистонда бўлса, кимки шоҳга атиргул келтирса, ундан истаган тилагини сўрашга рухсат берилган. Шунингдек, ҳиндлар дунёдаги энг гўзал аёл Лакшми 108 та йирик ва майда япроқли атиргул ғунчасидан пайдо бўлган, деб ҳисоблашади.

Афсоналар юрти Юнонистон шоирларининг айтишича, атиргул севги худоси Афродита баданини қоплаган оппоқ кўпикдан пайдо бўлган экан. Италияга атиргул айнан шу юртдан келтирилган. Бу ерда унинг япроқларини юқоридан сочиш урф бўлган. Император Гелиогабаланинг даврида Рим кўчалари атиргул ҳидига шу қадар тўлганки, қўникмаган одам бундан эс-ҳушини йўқотган.

Иззат АҲМЕДОВ тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН

ХАЛҚ БАНКИ

мижозларга 20 га яқин жозибадор омонат турларини жорий этган ҳолда, пахта йиғим-теримида иштирок этаётган ҳамюртларимизга янги

«ТАДБИР»

жамғарилувчи омонат турини таклиф этади.

Омонат турига пул маблағлари **3 ой** муддатга қўшимча бадал қабул қилиш ва йиллик **24 фоиз** миқдорида даромад тўлаш шарти билан камида **20 000 сўм** миқдорида банкнинг барча муассасаларида қабул қилинади.

Оилангиз банки томонидан яратилаётган имконият ва қулайликлардан фойдаланинг!

ИФТИХОР

Юксак орзуларим туғилган маскан,
Борлигинг — толеим, номинг — ғурурим.
Ҳар озод кўнгилда жўш урар бугун
Истиқлол шукуҳи, ҳурлик сурури.

Сен онамсан Ватан, бағрингга босиб,
Пешонамдан ўпиб, бахт этган инъом.
Кўнглимни тоғ каби кўтарар бир сўз —
Ватан абадийдир, ҳурлик бардавом.

Сен борсан, ҳамиша ёруғдир йўлим,
Ўзбекистон, номинг абад дилларда.
Мақсадга элтгувчи йўлчи юлдузим,
Мангу яша достон бўлиб тилларда.

Мен ҳам бир ўғлингман, бисёр ниятим,
Доим кўнглимдасан, доим сандаман.
Сен деб куйиб-ёнмоқ олий мақсадим,
Сен деб фидо бўлсам, бахтлиман Ватан!

Неъматжон ИБРОҲИМОВ.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

Клеопатра оғунинг самаралилигини қандай аниқлаганини биласизми? Клеопатра уни қулларига берган ҳолда текширган.

* * *

Машҳур итальян авантюристи Калиостронинг бош чаноғи Наполеоннинг ичимлик идишларидан бири вазифасини ўтаган.

* * *

Британия қироличаси Елизавета I нинг 3000 га яқин либоси бўлган.

* * *

Бирон сўзни имловий хатосиз ёза олмаган таниқли инсонни билмасангиз, билиб олинг: машҳур эртакчи Ханс Кристиан Андерсендир.

* * *

Альберт Эйнштейн мактабда қайси фандан иккига ўқиганлиги сизга ҳам қизиқ бўлса керак? Буюк физик айнан физика фанидан икки баҳога ўқиган.

* * *


Фотиҳ Искандар Зулқарнайннинг хотираси чакки бўлмаган. У ўз жангчиларидан 30 000 нафарининг исмини ёддан билган.

ЗУМРАД тайёрлади.

Жаҳон ҳафта ичида

КОСМОСДА ИЛК ТУРИСТ АЁЛ

“Союз ТМА 9” космик кемаси бортида биринчи саёҳатчи аёл Ануша Ансорийни очиқ орбитага олиб чиқди, деб хабар беради “Интерфакс”.



Асли келиб чиқиши эронлик, аммо АҚШ фуқароси бўлган 40 ёшли Ануша Ансорий космосдаги биринчи саёҳатчи аёл, деган номга сазовор бўлди. Бу ном унга 20 миллион долларга тушди. Ансорийнинг ерга 24 сентябрь куни қайтиб тушиши режалаштирилган.

ЖАНГАРИЛАР ЕТАКЧИСИ ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

“РИА Новости” тарқатган хабарларга кўра, Цацонюртда ўтказилган махсус операциялар натижасида жангарилар тўдасининг бошлиғи Иса Мускиев йўқ қилинган.




Бу ҳақда ахборот агентлигига Чеченистон ҳукуматининг раиси Рамазон Қодиров маълум қилган.

Мускиев билан биргаликда унинг укаси Али ҳам ўлдирилган. Ҳозирча ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимлари орасидаги йўқотишлар хусусида аниқ маълумотлар йўқ.

Олинган маълумотларга кўра, Исо Мускиев республиканинг Курчалой, Шалинск ҳамда Аргун шаҳарларини назорат қилган. Жангарилар орасида у Амир Холид лақаби билан таниш бўлган.

90 ЁШЛИ ТАЛАБА

Илм олишнинг кечи бўлмайди, у билан ҳатто 80 ёшдан сўнг ҳам шуғулланиш мумкин экан. Ҳар қалай британиялик талаба Уильям Купер бунга шубҳа қилмайди.



Тез орада у олий маълумотли социолог дипломини қўлга киритади. Аммо унгача Купер ўзининг 90 ёшини ҳам нишонлаши лозим бўлади.

Британиянинг энг кекса талабаси Вулверхемптон университетининг кечки бўлимини тамомлаяпти. Ўқитувчиларнинг таъкидлашича, жаноб Купер талабалар орасида энг тиришқоғи хисобланади. У олти йил ичида бирон соат ҳам дарсни қолдирмаган.

Дипломини нима қилиш тўғрисидаги саволларга эса талаба шундай жавоб беради: “Ҳеч нарса! Мен бу ишга пенсия давримда нимадир қилиш учунгина қўл урганман. Аммо мен ўзимнинг бошқа талабалардан кам эмаслигимни исботлай олдим ва ўз вақтимни бежиз сарфламаганимдан қониқиш ҳосил қилдим”.

ВИКЕ-ФРЕЙБЕРГ ДАЪВОГАР

Латвия президенти Вайра Вике-Фрейберг БМТ Бош котиблигига ўтказиладиган сайловларда иштирок этмоқчи. Президентнинг расмий баёнотида бу ҳақда сўз юритилган, деб хабар беради ИТАР-ТАСС. Баёнотда Вике-Фрейберг ўз қарорига “барча масъулиятни ҳис қилган ҳолда” ёндашиши қайд этилган.

Маълумки, БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг мандати шу йилнинг 31 декабрида ўз якунига етади. Айни дамларда, Латвия президентидан ташқари ушбу лавозимга яна бешта нафар номзод даъвогарлик қилмоқда. Улар Жанубий Корея ташқи ишлар ва савдо вазири Пан Ги Мун, ҳиндистонлик Шаши Тарур, Таиланд бош вазирининг ўринбосари Суракиарт Сатиратай, Иордания қироли Абдулла II нинг жияни Зайд Ҳусайн ҳамда шриланкалик 67 ёшли Жаянта Дханапаладир.



Вике-Фрейберг номзодини қўллаб-қувватлашини Эстония ва Литва расмий равишда эълон қилган. Дарвоқе, орадан ўтган олтмиш йиллик фурсатда бирон та аёлнинг номзоди БМТ бош котиблигига жиддий номзод сифатида қўйилмаган эди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

000 "Tashstyle - Servis" зарегестрированный в Шайхантахурском районе города Ташкента (ОКПО 20471115) ликвидируется. Все претензии принимаются в течение 1 месяца с момента опубликования. Тел: 113-03-89.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH

Миллий тикланиш — миллат келажаги

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

Таҳрир ҳайъати

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51
Бўлимлар — 136-58-73
Реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: *Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй*

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 1123.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2108
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 21.00